

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК 330.115*

**Рашитова Нилуфар Хатамбаевна**

**АГРАР СЕКТОРДА ТУЗИЛМАВИЙ СИЛЖИШЛАРНИ СТАТИСТИК  
ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ**

08.00.06. – “Эконометрика ва статистика”

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган

диссертация

**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2010



## Диссертация иши Тошкент молия институтида бажарилган

- Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
Абдуллаев Ёркин Абдуллаевич
- Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
Набиев Хамидулла Набиевич
- иқтисод фанлари номзоди, доцент  
Махмудов Бахтиёр Мирзахмадович
- Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Республикаси Давлат  
статистика қўмитаси

Ҳимоя Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д 067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгашнинг 2010 йил «21» май соат 9<sup>00</sup> да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил «19» апрел да тарқатилди

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби  
иқтисод фанлари доктори, профессор  Б.Б.Беркинов

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикасида мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий татрижий ривожлантириш шароитида самарали ва истикболли тузилмавий силжишлар муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидланганидек: “Мамлакатимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодий таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурни амалга оширишнинг муҳим устувор йўналишига айланиши лозим”<sup>1</sup>.

Айниқса таркибий ўзгартириш жараёнларини, энг аввало, стратегик тармоқларда чуқурлаштириш иқтисодий таркибни босқичма-босқич, изчил ислох этиш стратегиясининг амалий натижасига бевосита таъсир этади. Хусусан, аграр сектордаги меҳнат, ер-сув ва бошқа моддий ресурсларни оқилона тақсимлаш, улардан самарали фойдаланиш ҳамда барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришишда тузилмавий силжишлар муҳим омил ҳисобланади. Бинобарин: “Бутун иқтисодий ўзгаришларнинг якуни, барқарорлик ва халқ фаровонлиги кўп жиҳатдан туб ўзгаришлар жараёнлари аграр секторни қанчалик кенг қамраб олишига, қишлоқда ислохотларнинг қанчалик чуқур боришига боғлиқ бўлади”<sup>2</sup>. Ҳақиқатан ҳам аграр тармоқда амалга ошириладиган тузилмавий силжишлар самараси бутун иқтисодий таркибнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда ҳам салмоқли мавқени эгаллайди. Демак, аграр соҳа иқтисодий таркибда ер-сув ресурсларининг чекланганлиги ишлаб чиқариш суръатларини ошириш, самарадорликни юксалтириш ва иқтисодий тузилмани такомиллаштиришни тузилмавий силжишлар орқали амалга оширишни тақозо этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланиш асосида аграр сектор тузилмасини такомиллаштириш муаммоси қишлоқ хўжалигида тузилмавий силжишларни статистик баҳолаш ва таҳлил қилишнинг услубий асосларини ривожлантириш, тузилмавий силжишларнинг натижавий кўрсаткичларга таъсирини ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимиз ва хорижда тузилмавий силжишларнинг макроиқтисодий ва саноат тармоғи самарадорлигига таъсири Т.Ахмедов, Е.Балацкий, Х.Джураев, О.Красильников, Б.Казибеков, О.Сечкина, Х.Хамраев, С.Чепель ва бошқалар томонидан, қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларига таъсири эса Т.Агапова, Н.Джавадов, А.Қодиров, И.Сирбу, Л.Бурлова ва бошқалар томонидан ўрганилган. Тузилмавий силжишларни микродорий баҳолаш усуллари Т.Агапова, К.Гатев, Л.Казинец, С.Куришева, В.Рябцев, А.Саламининг илмий ишларида ёритилган. Ресурслар тузилмасидаги

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдири // Халқ сўзи. – Т., 2010 йил 30 январь.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 202.

силжишларнинг иқтисодий самарадорликка таъсирини индекс усулида миқдорий баҳолаш В.Адамов, Г.Бакланов, М.Ильевский, Л.Казинец, П.Кизуб, Г.Ковалевский, Ў.Мерестье, Н.Перегудов, В.Скалдина, С.Югенбург ва бошқалар томонидан ривожлантирилган, ўзбекистонлик олимлардан Н.Соатов, Ё.Абдуллаев, Х.Набиев, Х.Шодиев ва бошқаларнинг ишларида тузилмавий силжишлар индексларини татбиқ этишнинг илмий-услубий асослари баён этилса-да, ханузгача индекслар вазни танловида бир тўхтамга келингани йўқ.

Аграр секторда содир бўлган тузилмавий силжишларни статистик ўрганишга олимлар томонидан етарлича эътибор қаратилмагани, мавжуд илмий тадқиқотларда аграр сектордаги тузилмавий силжишларни миқдорий баҳолашда “ноадекват” индекс формулалари қўлланилган ҳолда таҳлил қилиниши мазкур мавзуда илмий тадқиқот олиб бориш учун асос бўлади.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Илмий иш Тошкент молия институти илмий-тадқиқот режалари бўйича бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** – тузилмавий силжишларни статистик ўрганиш усулларини такомиллаштириш асосида аграр секторда тузилмавий силжишларни таҳлил қилиш ҳамда ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича хулоса ва таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Ушбу мақсадга эришиш учун диссертацияда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилган:

– тузилмавий силжишларни ўрганишнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ этиш;

– қишлоқ хўжалиги тармоғи тузилмасининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, ундаги силжишларнинг омиллари ва зиддиятларини ёритиш;

– тузилмавий силжишларни статистик баҳолаш усулларини тадқиқ этиш ва уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

– Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тармоқ ва ҳудудий тузилмасининг ҳолати ҳамда ундаги силжишларни статистик баҳолаш;

– қишлоқ хўжалиги тузилмасида рўй бераётган силжишларнинг натижавий кўрсаткичларга таъсирини статистик баҳолаш;

– экин майдонлари тузилмасининг оптимал вариантларини ишлаб чиқиш орқали аграр секторда тузилмавий силжишларни такомиллаштириш бўйича таклифларни асослаш.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ва маъмурий ҳудудларидаги қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти танланган. Аграр тармоқдаги тузилмавий силжишлар жараёнлари ва уларни статистик ўрганиш усуллари тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, статистик, иқтисодий-математик моделлаштириш, имитация каби усуллардан фойдаланилди.

### **Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:**

– тузилмавий силжишлар жадаллигини статистик баҳолашнинг тизимли ёндашуви;

– тузилмавий силжишлар омилининг натижавий кўрсаткичларга таъсирини баҳолашнинг индексли таҳлил усули;

– аграр сектордаги тузилмавий силжишлар самарадорлигини ошириш бўйича статистик усуллари қўллашнинг такомиллашган тизими.

### **Ишнинг илмий янгилиги:**

– кишлоқ хўжалиги тармоғи таркибий тузилмасининг ўзига хос хусусиятлари, ундаги силжишларнинг омиллари ва зиддиятлари очиқ берилган;

– тузилмавий силжишларни статистик баҳолаш усуллари қиёсий тадқиқ этилган ҳамда такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

– Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалиги иктисодиётининг тармок, худудий тузилмасида рўй берган силжишлар статистик усуллар ёрдамида баҳоланган;

– кишлоқ хўжалиги тузилмасидаги силжишларнинг натижавий кўрсаткичларга таъсир йўналиши аниқланган ва прогноزلантирилган;

– самарали тузилмавий силжишларни амалга ошириш учун кишлоқ хўжалиги экинларининг оптимал таркибий тузилмаси таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий ва амалий натижалари республика, худудлар ва хўжалик юритиш шакллари миқёсида кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тузилмасини чуқурроқ ўрганиш, тузилмавий омилларнинг иктисодий самарадорликка таъсирини баҳолаш имконини беради.

Мазкур тадқиқот жараёнида умумлаштирилган назарий хулосалар, амалий тавсиялардан Давлат статистика қўмитаси, Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги амалиётида ҳамда олий ўқув юртлари талабалари томонидан тузилмавий силжишларни ўрганишда фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижасида олинган илмий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (далолатнома, 25.08.2008й.), Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг “Кишлоқда бозор инфратузилмасини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш” бошқармаси (маълумотнома №18, 15.08.2006й.) фаолиятида қўллаш учун қабул қилинган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертациянинг асосий илмий-амалий натижалари “XVII международные Плехановские чтения” (Москва, 2004), “XVIII международные Плехановские чтения” (Москва, 2005), “Социально-экономические проблемы переходной экономики” (Санкт-Петербург, 2005), “Социально-экономические проблемы развития интеграционных процессов в условиях либерализации национальной экономики” (Москва, 2008) мавзуларидаги халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган. Шунингдек, диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Математика ва информацион технологиялар институти, Тошкент ирригация ва мелиорация институти

ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий семинарларида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий мазмуни 8 та мақола ва маъруза тезисларида баён этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган. Тадқиқот ишининг умумий ҳажми 141 бет бўлиб, 22 та жадвал, 6 та расм ва 16 та иловадан иборат.

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқ этилаётган мавзунинг долзарблиги, унинг ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари асосланган, илмий янгиликлари ва амалий аҳамияти очиб берилган.

Диссертациянинг “Тузилмавий силжишларни статистик ўрганишнинг назарий ва услубий асослари” деб номланган биринчи бобида тузилмавий силжишларнинг иқтисодий мазмуни, кишлоқ хўжалигида тузилмавий силжишларга таъсир этувчи омиллар ёритилган, уларнинг жадаллигини статистик жиҳатдан миқдорий баҳолаш усуллари тадқиқ этилган ва такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

“Кишлоқ хўжалиги тузилмаси ва ундаги силжишларни статистик баҳолаш” номи **иккинчи боб**да кишлоқ хўжалигининг тармоқ, ҳудудий тузилмасининг шаклланиш хусусиятлари тадқиқ этилган, ундаги силжишларни умумлаштирилган ҳолда миқдорий баҳолаш орқали содир бўлган уларнинг рўй бериш қонунияти аниқланган, ҳудудий силжишларнинг натижавий кўрсаткичларга таъсири баҳоланган.

“Кишлоқ хўжалигида тузилмавий силжишларни такомиллаштириш йўналишлари” номи **учинчи боб**да тармоқ тузилмасини оптималлаштиришнинг иқтисодий-математик модели асосида экин майдонларининг оптимал вариантлари тавсия этилган.

Диссертация ишининг хулоса қисмида тадқиқот натижасида олинган илмий хулоса ва таклифлар баён этилган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

1. Бозор муносабатларининг шаклланиши ҳамда такомиллаштирилиши даврида, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида тузилмавий силжишлар иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда зарурий омил ҳисобланади. Иқтисодиёт тузилмасини такомиллаштириш муаммосини услубий, назарий ва амалий тадқиқ этиш учун тузилмавий силжишларни миқдорий жиҳатдан чуқур ўрганиш, уларни умумлаштирган ҳолда миқдорий баҳолаш ва самарали иқтисодиёт тузилмасини шакллантиришдаги ўрнини аниқлаш талаб этилади. Бу муаммоларни ҳал этишда статистик усуллар муҳим аҳамият касб этади.

Диссертацияда аграр тармоқдаги тузилмавий силжишларни ўрганиш ва баҳолашдан олдин, “тузилма” ҳамда “тузилмавий силжиш” тушунчалари билан боғлиқ бўлган бир қанча атамаларнинг назарий таърифлари талқин қилинган. Статистик нуқтаи назардан *тузилма* бу – улушларда ифодаланган

яхлит тўплам бўлиб, улушларнинг замонда ўзгариши тузилмавий силжишларни келтириб чиқаради.

Тузилмавий силжишлар муаммосини ўрганишга бағишланган адабиётлар талқини шуни кўрсатадики, мавжуд илмий тадқиқотлар ва ишланмаларда асосий эътибор иқтисодий тузилмасидаги силжишларни, унинг қандай жабҳасида бўлмасин – тармоқ, ҳудудий, хоҳ ташкилий тузилмаси – макроиқтисодий даражада ва айниқса, саноат тармоғи миқёсида ўрганишга қаратилган. Уларнинг айримларидагина қишлоқ хўжалиги тузилмаси ва ундаги силжишлар статистик жиҳатдан тадқиқ қилинган. Саноат тармоғидан фарқли ўлароқ қишлоқ хўжалиги тармоғининг биологик, географик ҳамда табиий-иқлим омилларига таъсирчанлиги юқори. Мана шу жиҳатларни мазкур тармоқда содир бўлган тузилмавий силжишлар ва уларнинг самарадорлик кўрсаткичларига таъсирини таҳлил қилишда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ хўжалигида тузилмавий силжишларни баҳолашда унга тармоқ, ҳудудий, ташкилий тузилмалар кесимида ёндашиш мумкин. Ўз навбатида, бу тузилмаларни ташкил этувчи унсурлар улуши шу соҳада сарфланадиган ресурслар тизими (меҳнат, ер ресурслари, асосий ва айланма капитал), яратилган пировард натижалар тизими (ялпи маҳсулот, ялпи қўшилган қиймат, ялпи фойда) асосида ҳам тавсифланади (1-расм).



Манба: Муаллиф ишланмаси

**1-расм. Қишлоқ хўжалиги тузилмасининг таснифи**

Аграр сектор таркибий тузилишини банд бўлганларнинг қуйи тармоқлар бўйича тақсимланиши орқали тавсифлаш шуниси билан мураккаблашадими, деҳқончилик тармоғида банд бўлган ишчи бир вақтнинг ўзида чорвачилик тармоғида ҳам фаолият юритади. Қишлоқ хўжалиги тармоқ тузилмасини меҳнат ресурслари билан тавсифлаш учун иш вақтидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Қишлоқ хўжалигини асосий ва айланма капитал ёки пировард

натижалар бўйича тармоқ, ҳудудий, ташкилий тузилмасини тавсифлашда юқоридаги муаммо мавжуд эмас. Бироқ ширкат хўжаликлари сонининг кескин қисқариши, фермер ва деҳқон хўжаликлари сонининг ортиб бориши асосий ва айланма капитал тўғрисидаги статистик ҳисобларни юритишга имкон бермайди, хусусан, деҳқон хўжаликлари учун жорий этилган “1-Деҳқон” ҳисобот шаклида бу маълумотлар қайд қилинмайди. Юқоридаги муаммолар аграр сектор тузилмасини ҳар тарафлама чуқур таҳлил қилиш имкониятини чегаралайди.

Қишлоқ хўжалигида ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларнинг ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий шароитлар ва мулк шакллариининг ўзгариши, табиий-иқлим омиллари, фан-техника тараққиёти, молиявий, нарх, самарадорлик омиллари тузилмавий силжишларни келтириб чиқарувчи омиллар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий омиллар: мулк шакллариининг ўзгариши ва давлат сиёсати қишлоқ хўжалигида тузилмавий силжишларни юзага келтирувчи асосий омиллар қаторига киритилади. Муаллифнинг фикрича, мазкур тармоқ тузилмасига фан-техник ва молиявий омиллар таъсирини кучайтириш силжишлар самарадорлигини ошириш имконини беради.

2. Тузилмани миқдорий баҳолаш ва ундаги силжишларнинг иқтисодий кўрсаткичларга таъсирини ўлчашда турли статистик усуллар қўлланилади: умумлаштирувчи статистик кўрсаткичлар, турли белгилар бўйича гуруҳлаш, кўп ўлчамли гуруҳлаш усули, омилли таҳлил усуллари (шу жумладан индекс, корреляцион-регрессион таҳлил усули, дисперсион таҳлил) ва ҳоказо.

Тўплам тузилмасидаги силжишлар жадаллигини умумлаштирилган ҳолда миқдорий баҳолашда бир қанча олимлар ўз усуллариини таклиф этишган. Улардан Л.С.Казинец<sup>3</sup> “мутлак” тузилмавий силжишлар (улушларнинг “мутлак”<sup>4</sup> қўшимча ўзгариши) нинг ўртача чизикли ва ўртача квадратик коэффицентларини, базис давр улуши билан тортилган нисбий тузилмавий силжишларнинг ўртача чизикли ва ўртача квадратик коэффицентларини ҳисоблашни таклиф этади. Бу коэффицентлар улушларнинг “мутлак” ва нисбий ўзгаришининг ўртачасини тавсифлайди, бироқ уларнинг миқдорий натижаси содир бўлган силжишларнинг тўплам тузилмасини қай даражада ўзгартирганлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон бермайди.

Силжишларнинг аҳамиятлилик даражасини, яъни тўплам тўлиқ ўзгариши мумкин бўлган ҳолатга нисбатан қанчага ўзгаришини баҳолашда К.Гатев, А.Салаи, С.В.Куришева ва В.М.Рябцев<sup>5</sup> томонидан Л.С.Казинец таклиф этган кўрсаткичларнинг ўзгартирилган ва нормалаштирилган вариантлари,

<sup>3</sup>Казинец Л.С. Измерение структурных сдвигов в экономике. – М.: Экономика, 1969. –164 с.

<sup>4</sup>Улушларнинг “мутлак” қўшимча ўзгаришини ўрганишда “мутлак” иборасини қўштирок ичига олиш қабул қилинган, чунки бу кўрсаткич ўлчов бирлиги жиҳатидан эмас, ҳисоблаш усули жиҳатидан мутлак кўрсаткич ҳисобланади.

<sup>5</sup>Гатев К. Статистическая оценка различий между структурами совокупностей / Теоретические и методологические проблемы статистики. – М.: Статистика, 1979. – С.91-108.; Курышева С. В. Статистический анализ содержания труда рабочих. – Красноярск: Изд-во Красноярского ун-та, 1990. – 184 с.; Рябцев В. М. Критериальные подходы к оценке меры различий структуры региональной экономики по формам собственности // Материалы Всероссийского научного семинара: Реализация и эффективность новых форм экономических отношений. – Самара, 1996. – С. 6-10.



Т.Н.Агапова<sup>6</sup> томонидан улушлар ранги орасидаги тафовутга асосланган кўрсаткичлар таклиф этилади. Муаллиф фикрича, бу кўрсаткичлар Л.С.Казинец томонидан таклиф этилган коэффициентларни қисман тақомиллаштиради ва силжишларнинг аҳамиятлилик даражасини, яъни тўплам тўлиқ ўзгариши мумкин бўлган ҳолатга нисбатан қанчага ўзгаришини тавсифлайди, холос.

Юқорида кўриб ўтилган статистик усулларнинг киёсий-таҳлилий натижасига кўра, “мутлак” ва нисбий тузилмавий силжишларнинг квадратик ҳамда интеграл коэффициентлари қишлоқ хўжалиги тузилмасида содир бўлган силжишлар жадаллиги ва аҳамиятлилик даражасини баҳолаш имконини беради. Шунингдек, аграр секторда содир бўлаётган тузилмавий силжишлар жараёнини ҳар тарафлама чуқур таҳлил қилиш, уларнинг тенденцияси, қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятларини аниқлашда муҳим ўрин тутади.

Аграр секторда тузилмавий силжишларни ўрганишда юқорида таҳлил ва талқин этилган усуллардан ташқари муҳим статистик усуллар билан бирга индекс усулидан ҳам фойдаланилади. Тўплам ўртача даражасининг ўзгаришини тавсифловчи ўзгарувчан таркибли индексни ўзгармас таркибли ва тузилмавий силжишлар таъсири<sup>7</sup> индексларига ажратишда вазн муаммоси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу борада икки гуруҳ олимлар томонидан таклиф қилинган индекслар тизими шаклланди.

Биринчи гуруҳ олимлар<sup>8</sup> ўзгарувчан таркибли индексни ҳисоблашда ўзгармас таркибли индекс вазнини жорий давр ҳолатида, тузилмавий силжишлар индекси вазнини базис давр ҳолатида олишни (биринчи усул), ва аксинча, иккинчи гуруҳ олимлар<sup>9</sup> ўзгармас таркибли индекс вазнини базис давр, тузилмавий силжишлар индекси вазнини жорий давр ҳолатида олишни (иккинчи усул) таклиф этадилар. Бирок икки хил вазн базиси асосида ҳисобланган натижалар орасида фарқ вужудга келади (Гершенкрон эффекти).

Ўзбекистон Республикаси бўйича бугдой ўртача ҳосилдорлиги индексларини ҳисоблаш натижалари 2008 йилда бугдой ўртача ҳосилдорлиги 1991 йилга нисбатан 263,2 фоизга ортгани, бироқ 1-усул бўйича ҳудудлардаги ҳосилдорликнинг ўзгариши таъсирида 173,0 фоизга, бугдой майдонлари ҳудудий тузилмасидаги силжишлар таъсири натижасида 33,1 фоизга ортганини, 2-усул бўйича эса ҳудудлардаги ҳосилдорликнинг ўзгариши таъсирида 142,7 фоизга, бугдой майдонлари ҳудудий тузилмасидаги силжишлар таъсири натижасида 6,0 фоизга ортганини кўрсатади. Турли вазн базиси билан ҳисобланган ўзгарувчан таркибли ва тузилмавий силжишлар таъсири индекслари қиймати ўртасида тафовут мавжуд бўлиб,

<sup>6</sup> Агапова Т.Н. Статистические методы изучения структуры. Автореф. дис...д-ра экон. наук. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский университет экономики и финансов, 1996. – 48с.

<sup>7</sup> Кейинги ўринларда “тузилмавий силжишлар индекси” атамаси қўлланилади.

<sup>8</sup> Адамов В.Е. Факторный индексный анализ (методология и проблемы). – М.: Статистика, 1987. – 199с. Казинец Л.С. Теория индексов. – М.: Госстатиздат, 1963. – 351с.; Ильевский М., Ковалевский Г. По поводу измерения влияния структурных сдвигов // Вестник статистики. – Москва, 1970. - №1. – С.34-38.; Мересте У. Н. Очерки по индексной теории. – Таллин, 1969. – 171с.

<sup>9</sup> Бакланов Г.И. Некоторые вопросы индексного анализа. – М.: Статистика, 1972. – 72с.; Перегудов В.Н. Теоретические вопросы индексного анализа. – М.: Госстатиздат, 1960. – 267с.

таққосланаётган база узоклашган сари бу тафовут катталашиб боради (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси бўйича бугдой ўртача ҳосилдорлигининг ўзгармас, ўзгарувчан таркибли ва тузилмавий силжишлар индекслари, (1991 йилга нисбатан)

Индексларни ҳисоблаш усуллари	Йиллар					
	1995	2000	2005	2006	2007	2008
<b>Ўзгарувчан таркибли индекс</b>						
умумий натижа	1,608	2,204	3,302	3,414	3,519	3,632
<b>Ўзгармас таркибли индекс</b>						
биринчи усул	1,366	1,672	2,566	2,634	2,674	2,729
иккинчи усул	1,427	1,798	3,109	3,239	3,390	3,426
геометрик ўртача	1,396	1,734	2,825	2,920	3,010	3,057
<b>Тузилмавий силжишлар таъсири индекси</b>						
биринчи усул	1,177	1,318	1,287	1,296	1,316	1,331
иккинчи усул	1,127	1,226	1,062	1,054	1,038	1,060
геометрик ўртача	1,152	1,271	1,169	1,169	1,169	1,188

Манба: [www.bearingpoint.uz](http://www.bearingpoint.uz) ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоби

Икки хил вазн базаси билан ҳисобланган индексларнинг геометрик ўртачасидан фойдаланиш бу тафовутни ўрталаштириш имконини беради:

$$\frac{\sum_{i=1}^n x_{i1} d_{i1}}{\sum_{i=1}^n x_{i0} d_{i0}} = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n x_{i1} d_{i1}}{\sum_{i=1}^n x_{i0} d_{i1}} * \frac{\sum_{i=1}^n x_{i1} d_{i0}}{\sum_{i=1}^n x_{i0} d_{i0}}} * \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n x_{i0} d_{i1}}{\sum_{i=1}^n x_{i0} d_{i0}} * \frac{\sum_{i=1}^n x_{i1} d_{i1}}{\sum_{i=1}^n x_{i1} d_{i0}}}$$

бунда  $x_{i0}$  ва  $x_{i1}$  – базис ва жорий даврда тўпلامнинг алоҳида унсурларини ташкил этувчи сифат кўрсаткичининг даражаси,

$d_{i0}$  ва  $d_{i1}$  – базис ва жорий даврда миқдор кўрсаткичнинг тўпلامдаги улуши (хиссаси),

$i$  – тўплам унсурлари индекси,

$n$  – тўплам унсурлари сони.

Демак, тўплам ўртача даражасининг ўзгаришига тузилмавий силжишлар таъсирини баҳолашда базис ва жорий давр вазнлари билан тортилган тузилмавий силжишлар индексининг геометрик ўртачасидан фойдаланиш вазн муаммосини ҳал қилиш имконини беради. Тадқиқот ишида мазкур индекс тизимдан экин майдонлари ҳудудий тузилмасидаги силжишларнинг ўртача ҳосилдорлик даражасига таъсирини баҳолашда фойдаланилди.

3. Қишлоқ хўжалиги тармоқ тузилмасида содир бўлаётган силжишларга баҳо беришда бу тармоқни тавсифловчи умумлаштирувчи кўрсаткичлар ҳамда аҳоли жон бошига етиштирилган маҳсулотлар динамикаси таҳлил қилинган. Аҳоли жон бошига маҳсулот етиштиришнинг 1991 йилга нисбатан ўзгариш сурьатлари таҳлилларига кўра, пахта, тухум ва қоракўл териси етиштириш сурьатларида пасайиш, дон экинлари ва картошка етиштиришда


муттасил ўсиш, гўшт ва сут етиштиришда 2004 йилгача камайиш, сўнгра яна ортиб бориш тенденциялари аниқланган.

Бу даврларда деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш суръатининг чорвачилик маҳсулотларига нисбатан юқорилиги сабабли қишлоқ хўжалигининг ўзгармас баҳолардаги тармоқ тузилмасида биринчи тармоқ улуши ортиши кузатилади. Бирок баҳоларнинг нотекис ўзгариши, хусусан, чорвачилик маҳсулотлари баҳоси ўсиш суръатининг юқорилиги, жорий баҳолардаги ялпи маҳсулот тузилмасида мазкур тармоқ улушининг ортишига олиб келган.

Муаллиф фикрича, бу икки тармоқ динамикасини баҳолашда ўзгармас баҳолардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, чунки мазкур баҳоларда ҳисобланган тизим тузилмасидаги силжишлар маҳсулотлар физик ҳолатининг ўзгаришини акс эттириб, бунга баҳо тизимидаги силжишлар таъсир ўтказмайди.

Шундай қилиб, кўриб чиқилган давр мобайнида қишлоқ хўжалигида асосан деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришнинг кўпайиши эвазига ўсишга эришилган.

4. Қишлоқ хўжалиги деҳқончилик тармоғи тузилмасининг шаклланишида экин майдонлари тузилмаси муҳим ўрин тутди. Мустақилликдан аввалги даврда экин майдонлари тузилмаси пахтачиликни жадал ривожлантириш тенденциясини акс эттирди (2-расм).



Манба: Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1992 г. В 2-х т. – Т.: Бюро издательской деятельности и статистических обследований, 1993. Т.2. – С. 202.; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. – Т.: Узбекистан, 1986. – С.102-103.; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1989 г. – Т.: Узбекистан, 1990. – С. 252-253.; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

**2-расм. Қишлоқ хўжалиги экин турлари бўйича майдонлар улушининг динамикаси (1970-2008 й.й.)**

1991-2008 йилларда экин майдонлари тузилмасида кескин силжишлар асосан бугдой майдонлари улушининг ортиши ва ем-хашак майдонлари камайиши ҳисобига содир бўлган. Ем-хашак экин майдонлари ҳажмининг ортиши озуқа базасининг шаклланишида етакчи омил ҳисобланиб, Республика Президентининг чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган бир

қатор қарорларида<sup>10</sup> мазкур экин майдонларини кенгайтириш кўзда тутилган. Бу даврда экин майдонлари тузилмасидаги силжишларни умумлаштирилган ҳолда миқдорий баҳолаш натижалари ислохотларнинг дастлабки йилларида экин майдонлари тузилмасида силжишлар кескинлиги бошқа йилларга нисбатан юқорилигини, сўнгги йилларда ундаги силжишлар жадаллиги камайиб, барқарорлашиб бораётганини кўрсатади.

Ислохотлар даврида бугдой, картошка, мева ва резаворлар ҳосилдорлигининг ортиши ялпи ҳосил олишга ижобий таъсир кўрсатган, пахта, узум ҳосилдорлигининг пасайиши ялпи ҳосил ҳажмининг камайишига олиб келган.

Чорвачилик тармоғи тузилмасининг таҳлил натижалари йирик шохли моллар, қўй ва эчкилар, отлар бош сони кўпайганини кўрсатади, бироқ уларнинг асосий улуши деҳқон хўжаликлари томон силжиши ва озуқа танқислиги чорва моллари ҳамда парранда маҳсулдорлигининг пасайишига олиб келган.

1991-2008 йилларда олиб борилган ислохотлар натижасида деҳқончилик ва чорвачиликнинг тармоқ тузилмаси ўзгариш суръатлари бир мунча жадаллашган. Деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш суръати чорвачилик маҳсулотлари суръатидан юқори бўлганлиги қишлоқ хўжалиги тузилмасида деҳқончилик тармоғи улушининг ортишига олиб келган. Бу даврда деҳқончиликда ғаллачилик, картошкачилик, сабзавотчилик тармоқлари, чорвачиликда гўшт ва сут етиштиришга йўналтирилган қорамолчилик тармоқлари устун ривожланган.

5. Қишлоқ хўжалигида содир бўлаётган силжишларни таҳлил қилишда ҳудудий жиҳатдан ёндашиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси маъмурий бўлиниши бўйича ҳудудларнинг ўзига хос табиий шарт-шароити, рельефи ва иклими турлича экинларни етиштириш, чорванинг бир-бирдан фарқ қилувчи зотларини боқиб кўпайтириш имконини беради. Бу ўзига хослик ҳар бир ҳудуднинг муайян қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришга ихтисослашувини белгилайди.

Ҳар бир ҳудуд, зона, район ичида қишлоқ хўжалиги ерларининг тузилмаси турличалиги билан бир-бирдан фарқ қилади. Андижон, Наманган, Сирдарё ва Фарғона вилоятлари қишлоқ хўжалиги ерлари таркибида экинзорлар ва қўп йиллик дарахтзорлар улушининг нисбатан юқорилиги, пичанзор ва яйловлар улушининг пастлиги, қолган ҳудудларда, аксинча, пичанзор ва яйловлар улушининг юқорилиги билан тавсифланади. Қишлоқ хўжалигида ихтисослашиш даражаси ҳар бир ҳудуд экин майдонлари тузилмасининг шаклланишига таъсир кўрсатади.

Таҳлил натижалари ҳудудларнинг асосан бугдой ҳамда пахта экинини етиштиришга ихтисослашувини кўрсатади, 2006-2008 йилларда ҳудудларнинг

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантириш чора талбирлари тўғрисида”ги ПҚ-308-сонли қарори, 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-842-сонли қарори.

жами экин майдонида бугдой экин майдони 22,2 фоиздан 45,9 фоизгача, пахта майдонлари 27,6 фоиздан 52,7 фоизгача улушни ташкил этади.

Экин майдонлари маъмурий-худудий тузилмасидаги силжишлар жадаллиги паст бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари улушининг камайиши билан тавсифланади. Худудлар бўйича экинлар жойлаштирилишидаги силжишлар тахлилида бугдой экин майдонлари бўйича Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари ҳиссасининг камайиши, пахта экин майдони худудий тузилмасида Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё вилоятлари улушининг камайиши билан тавсифланади.

Тахлил қилинаётган даврда деярли барча худудларнинг ғаллачилик ва пахтачиликка ихтисослашуви кучайиб борган, экинлар майдонида бугдой ва пахта майдонининг салмоқли улушни эгаллашига олиб келган.

6. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини тавсифловчи бевосита табиий омиллар таъсирини ўзида акс эттирувчи кўрсаткичлардан бири бу ҳосилдорликдир.

Худудлардаги бугдой ҳосилдорлиги ўзгариши ва умумий экин майдони худудий тузилмасидаги силжишларнинг республика бўйича бугдойнинг ўртача ҳосилдорлиги даражасига таъсири ўзгармас таркибли ва тузилмавий силжишлар индексларининг геометрик ўртачаси орқали баҳоланган.

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси бўйича бугдой ҳосилдорлиги динамикаси ва прогнози**

Йиллар	Бугдой ҳосилдорлиги, ц/га	Олдинги даврга нисбатан бугдой ҳосилдорлигининг ўзгариши, %		
		умумий ўзгариши	шу жумладан	
			хар бир худудда ҳосилдорликнинг ўзгариши ҳисобига	экин майдонлари худудий тузилмасидаги силжишлар ҳисобига
1991	12,52	-	-	-
1995	20,14	160,8	139,6	115,2
2000	27,59	137,0	126,3	108,5
2005	41,36	149,9	150,7	99,5
2006	42,76	103,4	103,3	100,1
2007	44,07	103,1	102,2	100,8
2008	45,15	102,5	101,0	101,4
1991-1995	15,21	-	-	-
1996-2000	24,28	159,6	142,1	112,3
2001-2005	36,91	152,0	148,9	102,1
2006-2008	43,34	117,4	116,8	100,5
ҳисоб вариантлари	I	43,39	100,1	100,0
	II	43,36	100,1	100,0
2013	I	49,46	114,1	114,0
	II	49,45	114,1	114,0
2015	I	50,11	115,6	115,5
	II	50,10	115,6	115,5

Манба: [www.bearingpoint.uz](http://www.bearingpoint.uz) ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоби

Таҳлил натижаларидан даврлар бўйича буғдой ўртача ҳосилдорлигининг ортиб боришида экин майдони ҳудудий тузилмасидаги силжишлар ижобий таъсир этаётгани кўринади, миқдорий баҳолаш натижалари бу таъсирни даврдан даврга камайиб бораётгани кўрсатади. Бунга майдонлар тузилмасидаги силжишлар жадаллигининг камайиб бориши таъсир этади. Буғдой экин майдони ҳудудий тузилмасидаги силжишларнинг ижобий таъсири натижасида 2001-2005 йилларда олдинги даврга нисбатан ўртача ҳосилдорлик даражаси 2,1% га, 2006-2008 йилларда олдинги даврга нисбатан 0,5% га ортган (2-жадвал). Бу омил таъсирида буғдойдан олинган қўшимча ялли ҳосил мос равишда 102,9 ва 29,6 минг тоннани ташкил этган.

Худудлардаги пахта ҳосилдорлик даражасининг ўзгариши ва пахта экин майдонининг ҳудудий тузилмасидаги улуши ўзгаришининг республикадаги ўртача ҳосилдорлик даражасининг ўзгаришига таъсири ўзгарувчан, ўзгармас таркибли ва тузилмавий силжишлар индексларининг геометрик ўртачаси асосида аниқланган.

3-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси бўйича пахта ҳосилдорлиги  
динамикаси ва прогнози**

Йиллар	Пахта ҳосилдорлиги, ц/га	Олдинги даврга нисбатан пахта ҳосилдорлигининг ўзгариши, %		
		умумий ўзгариши	шу жумладан	
			ҳар бир ҳудуддаги ҳосилдорликнинг ўзгариши ҳисобига	экин майдонлари ҳудудий тузилмасидаги силжишлар ҳисобига
1991	27,00	-	-	-
1995	26,37	97,7	98,1	99,6
2000	21,81	82,7	81,0	102,1
2005	25,47	116,8	117,1	99,7
2006	24,86	97,6	97,6	100,0
2007	25,70	103,4	103,3	100,1
2008	24,00	93,4	93,3	100,1
1991-1995	24,00	-	-	-
1996-2000	25,74	88,2	87,7	100,6
2001-2005	22,71	101,9	100,0	101,9
2006-2008	24,78	107,0	107,5	99,6
ҳисоб вариантлари	I	24,86	100,3	100,3
	II	24,82	100,2	100,2
2013	I	26,51	107,0	106,7
	II	26,49	106,9	106,7
2015	I	26,79	108,1	107,8
	II	26,77	108,0	107,8

Манба: [www.beingpoint.uz](http://www.beingpoint.uz) ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоби

Кўриб чиқилаётган даврларда пахта экин майдонлари ҳудудий тузилмасидаги силжишларнинг пахта ўртача ҳосилдорлиги даражасига ижобий таъсири ортиб бормокда. Баъзи худудларда ҳосилдорликнинг пасайиши ўртача даражага салбий таъсир кўрсатмокда, хусусан 1995 йилда бу

омил таъсири натижасида ҳосилдорлик ўртача даражаси 0,4% ва 2005 йилда 2000 йилга нисбатан 0,3% га камайган (3-жадвал).

1996-2000 йилларда 1991-1995 йилларга нисбатан пахта ўртача ҳосилдорлиги 11,8% га камайган, хуудлардаги ҳосилдорликнинг камайиши ҳисобига олдинги давр ҳосилдорлигининг 87,7% ини ва экин майдонининг ҳудудий тузилмасидаги силжишлар ҳисобига 100,6% ни ташкил қилган. 2001-2005 йилларда пахта ўртача ҳосилдорлиги 2,0% га, 2006-2008 йилларда 7,0% га ортган.

Юқоридаги ҳисоблар асосида шуни таъкидлаш жоизки, экинларни хуудлар бўйича жойлаштирилишини такомиллаштириб, силжишлар жадаллигини ўзгартирган ҳолда самарадорликни янада оширишга эришиш мумкин.

7. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шаронтида озиқ-овқат маҳсулотларига жаҳон бозорида нарх-навонинг муттасил ортиб бориши, пахта ва бошқа хом ашё маҳсулотлари нархининг пасайиши, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш имкониятининг чегараланганлиги ҳамда Ўзбекистонда экин майдонларининг камайиш тенденцияси экинларни хуудлар бўйича оптимал жойлаштириш – юқори самарага эга бўлган экинлар ҳажмини кўпайтириш ва қишлоқ хўжалиги самарали тузилмасини шакллантиришда муқобил мезон бўлиб қолмоқда. Истиқболда республикамызда юқори самарага эга бўлган экинлар ҳажмини ошириш орқали самарали қишлоқ хўжалиги тузилмасини шакллантириш учун, энг аввало, экинларни оптимал жойлаштириш масаласини ҳал этиш талаб этилади.

Тадқиқотда экин майдонлари тузилмасини такомиллаштириш куйидаги иқтисодий-математик модель ёрдамида амалга оширилган. Модель блокли таркибга эга бўлиб, унинг оптималлик мезони куйидагича:

ялпи даромадни максималлаштириш

$$F(x) = \sum_{k=1}^K \sum_{l=1}^L \sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n p_{klj} \cdot y_{klj} \cdot x_{klj} \rightarrow \max \quad \text{ёки}$$

ялпи фойдани максималлаштириш

$$F(x) = \sum_{k=1}^K \sum_{l=1}^L \sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n (p_{klj} - c_{klj}) y_{klj} x_{klj} \rightarrow \max ,$$

бунда  $k$  – хуудлар индекси ( $k = \overline{1, K}$ ),

$l$  – хўжалик юритиш шакли индекси ( $l = \overline{1, L}$ ),

$i$  – ер турлари индекси ( $i = \overline{1, m}$ ),

$j$  – экин турлари индекси ( $j = \overline{1, n}$ ),

$p_{klj}$  –  $k$ -хуудда  $j$ -турдаги экин маҳсулоти бир бирлигининг сотиш баҳоси,

$c_{klj}$  –  $k$ -хуудда  $j$ -турдаги экин маҳсулоти бир бирлигининг таннархи,

$y_{klj}$  –  $k$ -хуудда  $l$ -хўжалик юритиш шаклида  $i$ -ер тоифасидаги  $j$ -экин турининг ҳосилдорлиги,

$x_{klj}$  –  $k$ -хуудда  $l$ -хўжалик юритиш шаклида  $i$ -тоифадаги ерда  $j$ -турдаги экин майдони (номаълум ўзгарувчи).

Муаллиф фикрича, кейинги тадқиқотларда оптималлаштириш мезони сифатида ялпи қўшилган қийматни максималлаштириш шартидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, чунки бу мезон тармоқда яратиладиган бирламчи даромадлар (меҳнат ҳақи, ишлаб чиқариш солиқлари, ялпи фойда) ни кўпайтириш имконини беради.

Чизикли функцияларнинг энг катта (максимум) қийматини қуйидаги шартлар бажарилганда топиш талаб этилади: ҳар бир ҳудудда экин экиш учун фойдаланиладиган ҳайдаладиган ер майдони унинг умумий миқдоридан ошмаслик шarti; ҳудуд бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотига бўлган талабнинг қондирилиши; республика бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг қондирилиши; меҳнат ва сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича шартлар; изланаётган номаълум ўзгарувчилар қиймати манфий бўлмаслик шarti. Ушбу моделдан натижалар олиш имитацион тизимга асосланади<sup>11</sup>.

Имитацион тизимни қўллаш республика ҳудудлари экин майдонлари таркиби ва ихтисослашувини истиқболдаги оптимал вариантларини аниқлашга қаратилган. Истиқболда экин майдонларининг самарали тузилмасини шакллантириш ҳосилдорликнинг прогноз кўрсаткичларига асосланади. Экинлар ялпи ҳосилини прогнозлашда ҳосилдорликнинг экстраполяция кўрсаткичларидан фойдаланилди.

8. Тадқиқотда оптималлаштириш масалалари Microsoft Office Excel компьютер дастуридан фойдаланиш ҳал этилган ва натижалар икки вариантда олинган. Иккала вариантда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 октябрдаги 4041-сонли Фармони ва “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 842-сонли Қарорига асосланган ҳолда пахта экин майдонларини камайтириб бориш ҳамда озик-овқат, ем-хашак экинлари етиштириш учун мўлжалланган майдонларини кўпайтириб боришга эътибор қаратилди. Тузилмавий силжишлар самарадорлигини ошириш мақсадида пахта ва бугдой экинларини республика ҳудудлари бўйича шундай жойлаштириш вариантлари танландики, бунда республика бўйича ўртача ҳосилдорлик даражаси ва олинадиган қўшимча ялпи ҳосил ҳажми тузилмавий силжиш омили натижасида таъминланди.

Натижалар экин майдонларининг қуйидаги таркибий тузилмаси шаклланишини кўрсатади: I вариант бўйича: дон экинлари майдони 43,1%, шу жумладан бугдой 38,5%, техник экинлар 38,9%, шундан пахта 38,1%, картошка, сабзавот ва полиз экинлари 8,6%, ем-хашак экинлари 9,4% ни ташкил этади; II вариант бўйича: дон экинлари умумий экин майдонининг 42,6%, шу жумладан бугдой 38,0%, техник экинлар 38,6%, шундан пахта 37,8%, картошка, сабзавот ва полиз экинлари 8,7%, ем-хашак экинлари 10,1% ни эгаллайди. Экин майдонлари тузилмасида ем-хашак майдонлари

<sup>11</sup> Б.М.Махмудовнинг “Моделирование внутрихозяйственного планирования в сельскохозяйственных предприятиях. Автореф. дисс... канд. экон. наук. – Т.: АН Уз ССР НПО Кибернетика, 1983. – 22 с.”да келтирилган имитацион тизими асосида тузилган.



улушининг ортиши алмашлаб экишни янада такомиллаштириш ва озука базасини кафолатли равишда мустахкамлаш имконини беради.

Экин майдонлари тузилмаси ҳисоб натижалари бўйича базис давр билан таққослаганда максимал ўзгариши мумкин бўлган даражага нисбатан ўртача 19,7% ёки 18,8% га, олдинги давр билан таққослаганда ўртача 3,7% ёки 4,5% га ўзгариши мумкин.

Истикболда республикамиз иктисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган бугдой ва пахта ўртача ҳосилдорлиги, қўшимча ялпи маҳсулот ҳажми худудлардаги ҳосилдорлик даражаларининг ортиши ҳамда экин майдонларини худудлар бўйича оптимал жойлаштириш эвазига кўпаяди.

Таҳлилларга кўра 2006-2008 йилларга нисбатан иккала вариант бўйича ҳам бугдой экин майдонлари улушининг худудий силжишидаги ижобий таъсир натижасида ўртача ҳосилдорлик даражасининг ортиши кутилади. Тузилмавий силжиш омили таъсирида бугдой ўртача ҳосилдорлиги даражаси 1-вариант бўйича 0,11% га ва 2-вариант бўйича 0,04% ортади (2-жадвал), олиннадиган қўшимча ялпи ҳосил мос равишда 10,5 ва 5,7 минг тоннани ташкил этади.

2015 йилда худудлардаги бугдой ҳосилдорлигининг ортиши ҳисобига олиннадиган қўшимча ялпи ҳосил 2006-2008 йилларга нисбатан 1-вариант бўйича 932,0 минг тонна ва 2-вариант бўйича 922,4 минг тоннани ташкил этади. Экин майдонларининг қисқариши ялпи ҳосил олишга салбий таъсир кўрсатади, яъни 66,0 минг тонна (I вар.) ёки 2142,2 минг тоннагача (II вар.) кам ҳосил олинади, бироқ интенсив ва тузилмавий омиллар ижобий таъсир кўрсатиб, ҳар бир худудда ҳосилдорликнинг ортиши ҳисобига ва экин майдонлари улушининг худудий силжиши ҳисобига олиннадиган қўшимча ялпи ҳосил 275,6 минг тонна (I вар.) ёки 270,5 минг тоннани (II вар.) ташкил этади.

Оптимал жойлаштириш натижасида худудлардаги ҳосилдорлик 2006-2008 йиллар даражаси ҳолатида пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги даражаси 1-вариант бўйича 24,86 ц/га ва 2-вариант бўйича 24,82 ц/га ни ташкил этади. Тренд тенгламалари асосида ҳисобланган ҳосилдорлик даражалари бўйича 2015 йилда 26,79 ц/га ва 26,77 ц/га ни ташкил этиши мумкин бўлиб, 2006-2015 йилларга нисбатан қўшимча 8,1% ва 8,0% га ортиши кутилади. Прогноз даврининг ҳар иккала вариантда экин майдонлари улушининг худудий силжиши омилининг таъсирида ўртача ҳосилдорлик 2006-2008 йиллардаги ҳосилдорликнинг 100,3% ни ва 100,2% ни ташкил этиши мумкин (3-жадвал).

Истикболда экин майдонларини кенгайтириш, энг аввало, сув билан таъминланиш даражасига боғлиқ. Бу эса экстенсив омил ҳисобига ялпи ҳосил олиш имкониятини чегаралайди ҳамда республикада экинлар ялпи ҳосилини кўпайтиришнинг бошқа имкониятлари билан бир қаторда ҳосилдорликни ошириш ҳамда экин майдонлари тузилмасининг худудлар бўйича оптимал жойлаштириш имкониятига таяниш зарурий аҳамиятга эга бўлиб қолади. Бизнинг фикримизча, мана шу омилларни ҳисобга олиш қишлоқ хўжалиги самарали тузилмасини шакллантириш ва унинг барча тармоқларини барқарор ривожини таъминлаш имконини беради.

## ХУЛОСА

1. Ўзбекистоннинг истиқболда барқарор ривожланиши учун иқтисодиёт тузилмасидаги силжишларнинг зарурияти ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатимизни янги ижтимоий-иқтисодий поғонага кўтаришда намоён бўлади. Статистика фани олдида иқтисодиёт тузилмасида содир бўлаётган силжишларни миқдорий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва самарали иқтисодиёт тузилмасини шакллантиришдаги ўрнини аниқлаш вазифаси туради. Ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тузилмасида содир бўлган силжишларни статистик ўрганиш усуллари универсал бўлиб, иқтисодиётнинг барча жабҳалари ва даражаларида қўллаш имкониятини беради.

2. Аграр тармоқ тузилмасини статистик ўрганишда тармоқ, ҳудудий, институционал жиҳатдан ёндашиш мумкин бўлиб, уларни ташкил этувчи унсурлар улуши шу соҳада фойдаланиладиган ресурслар тизими ёки яратилган пировард натижалар тизими асосида тавсифланади. Қишлоқ хўжалиги тузилмасидаги силжишлар турли омиллар, яъни ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларнинг ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг, мулк шаклларининг ўзгариши, табиий иқлим омиллари, фан-техника тараққиёти, молиявий омиллар таъсири остида содир бўлади.

3. Тузилмавий силжишларни умумлаштирилган ҳолда миқдорий баҳолашда Л.С.Казинец томонидан таклиф этилган коэффицентларнинг квадратик шаклидан фойдаланиш афзал ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар бир неча даврлар бўйича силжишлар кескинлиги ва ҳудудлараро фарқ кучини ўзаро таққослаш имконини беради. Уларнинг қатор афзал жиҳатлари ва камчиликларини инобатга олган ҳолда шундай хулосага келиндикки, мазкур коэффицентлар тўплам тузилмасидаги силжишларнинг ўртачасини тавсифлаб, иқтисодий, шу жумладан аграр сектор тузилмасини таҳлилида қўллаш ва чуқур таҳлил қилишда қулайлиги билан ажралади.

4. Л.С. Казинец коэффицентларнинг камчиликларини бартараф этиш мақсадида уларнинг нормалаштирилган ва интеграл коэффицентлари К. Гатев, А. Салаи, С.В. Куришева, Т.Н.Агапова, В.М. Рябцев томонидан таклиф этилган. Бу кўрсаткичлар Л.С. Казинецнинг коэффицентлари ўрнини боса олмаслиги, уларни фақат силжишларнинг аҳамиятлилик даражасини баҳолашда қўллаш мумкинлиги билан тавсифланади.

5. Индекслар назариясида тузилмавий силжишларнинг ўртача даража ўзгаришига таъсирини баҳолашда базис ёки жорий давр вазнлари асос қилиб олинади. Фикримизча, у ёки бу вазн асосида ҳисобланган индексларнинг бир қанча камчиликлари мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш учун ўрталаштирилган индексдан, яъни икки хил вазн базиси асосида тортилган индексларнинг геометрик ўртачасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

6. Аграр сектор тузилмасида содир бўлган силжишлар самарадорлигини баҳолашда ресурслар бирлигига тўғри келган ялпи маҳсулот динамикасида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Таҳлил натижалари, ер ва сув ресурсларининг камайиб бориши шароитида аҳоли жон бошига, банд бўлган

бир кишига, бир гектар кишлок хўжалиги ерларига тўғри келган ялли маҳсулот ҳажми ортиб бориш тенденцияси мавжудлигини кўрсатади.

7. Бизнинг фикримизча, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари динамикасини аниқлашда ўзгармас баҳолардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки бу баҳоларда ҳисобланган тизим тузилмасидаги силжишларга баҳолар тизимидаги силжишлар ўз таъсирини ўтказмайди

8. Деҳқончилик тармоғи тузилмасини таҳлил қилиш натижалари озик-овқат хавфсизлиги бўйича олиб борилган сиёсат деҳқончиликда галлачилик ва картошқачилик тармоқлари улушининг ортишига олиб келганини кўрсатади. Экин майдонлари тузилмасидаги силжишлар асосан буғдой майдони улушининг ортиб бориши ва ем-хашак экин майдонлари улушининг камайиши сабабли рўй берган, бу ҳолат экин майдонлари таркибий тузилмасида буғдой ва пахта майдонларининг салмоқли улушни эгаллашига олиб келган.

9. Кишлоқ хўжалиги ресурсларининг: банд бўлганлар, экин майдонлари ҳудудий тузилмасида содир бўлган силжишлар жадаллиги ўта паст бўлиб, ресурслар ҳудудлар бўйича тақсимланишидаги ўзгаришлар нисбатан турғунлиги билан тавсифланади. Бироқ буғдой ва пахта экин майдонларининг ҳудудлар бўйича жойлаштирилишини такомиллаштириб, жадалликни ўзгартирган ҳолда самарадорликни оширишга эришиш мумкин.

10. Тузилмавий силжишларнинг ўртача ҳосилдорлик даражасининг ўзгаришига таъсирини индексларнинг ўртача геометриги ёрдамида баҳолан натижалари экинларнинг ҳудудий тузилмаси ва ундаги силжишлар буғдой ва пахта ўртача ҳосилдорлигининг ўзгаришига, пировардида эса қўшимча олинган ялли ҳосилга ижобий таъсир этганини кўрсатади.

11. Аграр секторда самарадорликни янада ошириш, кишлокда самарали тузилмани шакллантириш муаммоси экинларни ҳудудлар бўйича оптимал жойлаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Бу муаммони ҳал этиш учун илмий ишда республика миқёсида экинларни оптимал жойлаштириш, экин майдонлари таркиби ва ишлаб чиқариш ихтисослашувини оптималлаштиришнинг иқтисодий-математик моделидан фойдаланилган бўлиб, натижалар пахта экин майдонларини жами экин майдонидаги улушининг камайиб бориши ҳисобига картошқа, сабзавот ва полиз экинлари ҳамда ем-хашак майдонлари улушининг кўпайишини кўрсатади.

12. Истикболда аҳоли жон бошига яратиладиган кишлок хўжалиги маҳсулотлари ҳажми, бир гектар экин майдонидан олинадиган ялли даромад қиймати ҳосилдорлик ва тузилмавий омил ҳисобига кўпаяди, пахта ва буғдой ўртача ҳосилдорлик даражасининг ортишига, улардан олинадиган қўшимча ялли ҳосилни кўпайтиришда тузилмавий силжишлар омили ижобий таъсир кўрсатади.

### **ЧОП ЭТИЛГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**

1. Рашитова Н.Х. Изучение структурных сдвигов в переходный период Узбекистана // Аспирант и соискатель. – Москва, 2003. -5-выпуск. – С. 70-72.

2. Рашитова И. Иқтисодиётда тузилмавий силжишлар ва уларни статистикада ўрганиш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2004. -№ 2. – Б.36-38.

3. Рашитова Н.Х. Стратегическое значение структурных сдвигов в экономике Узбекистана // Тезисы докладов международной конференции семнадцатого Плехановского чтения. 21 апреля 2004. – Москва, 2004. – С. 7-8.

4. Абдуллаев Е.А., Рашитова Н.Х. Структурные сдвиги в сельском хозяйстве Узбекистана за годы реформ // Тезисы докладов международной конференции восемнадцатого Плехановского чтения. 26 марта 2005. – Москва, 2005. – С. 294-295.

5. Рашитова Н.Х. Статистические методы оценки интенсивности структурных сдвигов в экономике в условиях рыночных отношений // Тезисы докладов международной научно-практической конференции. 3-4 июня 2005. – Санкт-Петербург, 2005. – С. 223-224.

6. Рашитова Н. Ислохотлар даврида қишлоқ хўжалиги тузилмасининг шаклланиш тамойиллари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2005. -№8. –Б.36-39.

7. Рашитова Н.Х. Причины и противоречия структурных сдвигов в аграрном секторе // Социально-экономические проблемы развития интеграционных процессов в условиях либерализации национальной экономики / Сборник научных трудов: – Москва: МГЭИ, 2008. – С. 176-177.

8. Рашитова Н. Аграр тармоқ тузилмасининг шаклланиши // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2008. -№11. – Б. 33.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Рашитова Нилуфар Хатамбаевнанинг 08.00.06 – “Эконометрика ва статистика” ихтисослиги бўйича “Аграр секторда тузилмавий силжишларни статистик ўрганиш усуллари” мавзусидаги диссертациясининг РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч сўзлар:** аграр иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги тузилмаси, тузилмавий силжишлар, тузилмавий силжишларни микдорий баҳолаш усуллари, индекс усули, иқтисодий-математик моделлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти:** Ўзбекистон Республикаси ва ҳудудлари қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти.

**Ишнинг мақсади:** тузилмавий силжишларни статистик ўрганиш усуллари тақомиллаштириш асосида аграр секторда тузилмавий силжишларни таҳлил қилиш ҳамда ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот усуллари:** тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, иқтисодий-статистик, иқтисодий-математик моделлаштириш усуллари.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилigi:** қишлоқ хўжалиги тармоғи таркибий тузилмасининг ўзига хос хусусиятлари, ундаги силжишларнинг омиллари ва зиддиятлари очиб берилган; тузилмавий силжишларни статистик баҳолаш усуллари тадқиқ этилган ҳамда тақомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган; Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг тармок, ҳудудий тузилмасида рўй берган силжишлар статистик усуллар ёрдамида баҳоланган; қишлоқ хўжалиги тузилмасидаги силжишларнинг натижавий кўрсаткичларига таъсир йўналиши аниқланган ва прогнозлаштирилган; самарали тузилмавий силжишларни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалиги экинларининг оптимал таркибий тузилмаси таклиф этилган.

**Амалий аҳамияти:** ишлаб чиқилган статистик усуллар, кўрсаткичлар, моделларни республика, ҳудудлар миқёсида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тузилмасини чуқурроқ ўрганишда, тузилмавий омилларнинг иқтисодий самарадорликка таъсирини баҳолашда ва келгусида қишлоқ хўжалиги тузилмавий сиёсатини ишлаб чиқишда қўллаш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** тадқиқот натижасида олинган илмий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятида қўллаш учун қабул қилинган.

**Қўлланиш соҳаси:** минтақалар ва тармоқларда тузилмавий силжишларни таҳлил қилишда фойдаланилади.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Рашитовой Нилуфар Хатамбаевны на тему: «Статистические методы изучения структурных сдвигов в аграрном секторе» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.06 – «Эконометрика и статистика»

**Ключевые слова:** аграрная экономика, структура сельского хозяйства, структурные сдвиги, методы количественной оценки структурных сдвигов, индексный метод, экономико-математическое моделирование.

**Объекты исследования:** экономика сельского хозяйства Республики Узбекистан и его регионов.

**Цель работы:** анализ структурных сдвигов в аграрном секторе, также разработка выводов и рекомендаций по эффективному использованию ресурсов на основе совершенствования статистических методов изучения структурных сдвигов.

**Методы исследования:** системный подход, методы сравнительного анализа, экономико-статистические методы, экономико-математическое моделирование.

**Полученные результаты и их новизна:** выявлены специфические особенности структуры отрасли сельского хозяйства, а также факторы и противоречия структурных сдвигов в отрасли; исследованы методы статистической оценки структурных сдвигов и разработаны рекомендации по их совершенствованию; осуществлена статистическая оценка структурных сдвигов, произошедших в отраслевой и территориальной разрезах сельского хозяйства Республики Узбекистан; определены и прогнозированы влияния сдвигов в структуре сельского хозяйства на результативные показатели; для осуществления эффективных структурных сдвигов предложены оптимальные варианты структуры сельскохозяйственных культур.

**Практическая значимость:** разработанные статистические методы, показатели, модели могут быть использованы при глубоком изучении структуры сельскохозяйственного производства республики и его регионов, оценке влияния структурных сдвигов на результативные показатели, а также при разработке будущей структурной политики сельского хозяйства.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** научные рекомендации проведенного исследования приняты для внедрения Государственным комитетом по статистике и Министерством сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан.

**Область применения:** при анализе структурных сдвигов регионов и отраслей.

## RESUME

**Thesis of Rashitova Nilufar Hatambaevna on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in economic sciences, speciality 08.00.06 – “Econometrics and Statistics”, subject: “Statistical methods of the studying structural shifts in agricultural sector”**

**Key words:** agrarian economy, structure agriculture, structural shifts, methods of quantitative estimation of structural shifts, an index method, economic-mathematical modeling.

**The objects of research:** agrarian economy of the Republic of Uzbekistan and of its regions.

**Purpose of work:** evaluation of structural shifts in agrarian sector, development of conclusions and recommendations for effective utilization of resources via improving statistical methods in estimation of structural shifts.

**Methods of research:** the system approach, comparative analysis methods, statistical methods, economic-mathematical modeling.

**The results obtained and their novelty:** specific features of structure of the agricultural sector as well as reasons and contradictions for sector-based structural shifts are revealed; statistical evaluation methods of structural shifts are studied and recommendation for their perfection are developed; statistical analysis of structural shifts, occurred in sector and territorial cuts of agriculture of Uzbekistan is performed; influences of agriculture structural shifts on productive indicators are defined and prognosed; optimal variations of agricultural crops structure are suggested for realization of the effective structural shifts.

**Practical value:** proposed statistical methods, indicators and models can be applied in evaluation of basic aspects of agricultural production structure of Uzbekistan and its regions, in assessment of influences of structural shifts on productive indicators as well as in development of the structure-based policy in the agrarian sector of Uzbekistan.

**Degree of embed and economic efficiency:** scientific recommendations of present investigation are accepted for implementation by State Committee of Statistics and Ministry of Agriculture and Water Resources of the Republic of Uzbekistan.

**Field of application:** obtained results can be used in assessment of structural shifts in regions and sectors.

ТАДКИҚОТЧИ: \_\_\_\_\_

<b>Босишга рухсат этилди</b>	<b>17.04.2010</b>
<b>Қоғоз бичими</b>	<b>30x42</b>
<b>Ҳисоб-нашр табағи</b>	<b>1,75 б.т.</b>
<b>Адади</b>	<b>100</b>
<b>Буюртма</b>	<b>№ 59</b>

**Тошкент Молия институти босмахонасида  
ризография усулида чоп этилди. 100000, Тошкент  
Амур Темур шох кўчаси, 60<sup>А</sup>-уй**